# O'ZSUVTA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

CERT INTERNATIONAL ISO 9001 ISO 37001 CERTIFIED ABMS-0562/A QMS-0562/A

# BUYRUQ

10.07.2023й. № 143

**“Ўзсувтаъминот” Акциядорлик Жамияти ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ҳамда ҳисобот ва маълумотлар базасини шакллантириб бориш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони ҳамда 2021 йил 16 июндаги "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖ ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилотлар фаолияти доирасида маълумотлар базасини шакллантириб бориш, ахборот ресурсларида жойлаштириш ва янгилаб бориш тартибини белгилаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1.“Ўзсувтаъминот” АЖ (кейинги ўринларда акциядорлик жамияти) департамент, бошқарма, бўлим, бюро ва хизмат (кейинги ўринларда тузилмалари) томонидан очиқлик бўйича шакллантириладиган ҳисоботларни тайёрлаш, тақдим этиш муддати, қабул қилиш бўйича масъуллар ва уларнинг вазифалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, маълумотларнинг (ҳисоботлар):
тўлақонли ва ҳаққонийлиги ҳамда уларни белгиланган муддатларда тақдим этилиши учун тегишли масъуллар ва ҳудудий масъулияти чекланган жамияти директорлари шахсан жавобгардир;

юқори турувчи ташкилотларга ҳамда вазирлик ва идораларга фақат тўлоқонли ва ҳаққоний, тасдиқланган маълумотлар тақдим этилади.

3. Йиғма ахборот-таҳлил бўлими (Б.Алджанов) акциядорлик жамияти ва унинг ташкилий тузилмасига кирувчи масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти доирасида маълумотлар базасини шакллантиришни ва ахборот сиёсати масалалари бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси (А.Муродов) билан бирга масъул ижрочилар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни умумлаштириш, мувофиқлаштириш ва мониторинг ишларини амалга оширишни ташкил этсин.

4. Ахборот сиёсати масалалари бўйича бошқарув раиси маслаҳатчиси А.Муродов:

ижрочилар томонидан тақдим этилган ва келишилган маълумотларни қонунчилик ҳужжатларидаги қоидаларига мувофиқ “Очиқ маълумотлар” портали ва акциядорлик жамиятининг расмий веб-сайтига ўз вақтида жойлаштириб, янгилаб бориш;

мазкур буйруқ иловасида тасдиқланган масъуллар билан биргаликда маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда, шунингдек 2020 ва кейинги йиллар

давомида акциядорлик ва ҳудудий масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти бўйича таҳлилий маълумотларнинг акциядорлик жамиятининг электрон маълумотлар рўйхатига киритиб борилиши таъминласин.

5. Акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2022 йил 6 сентябрдаги 136-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Девонхона ва ишларни юритиш бўлими (А.Мелибоев) бир кун муддатда буйруқ киритувчининг тарқатиш жадвалига кўра масъул ижрочиларга юборсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошқарув раиси ўринбосари Х.Рахматуллаев зиммасига юклатилсин.

**Бошқарув раиси** **С. Саифназаров**

Бошқарув раисининг
“10” 07 даги 143 сонли буйруғига
ИЛОВА

**“Ўзсувтаъминот” АЖ ва тузилмалари томонидан шакллантириладиган ҳисоботлар, уларни тақдим этиш муддатлари, ижрочи ҳамда қабул қилувчи масъулларни вазифалари.**

| Т/р | Ахборот тури | Ҳисоботнинг кўриниши | Тақдим этилиши муддатлари | Масъул ижрочилар | Ҳисоботни қабул қилувчи масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Республика аҳолисининг ичимлик ва оқова сув таъминоти бўйича амалга оширилган ишлар, барқарор ишлашини таъминлашга оид чора-тадбирлар ва асосий кўрсаткичлар | Жадвал, маълумотнома | ҳисобот ойининг кейинги ойи бешинчи санасига қадар | Сув таъминоти ва канализация хўжалигининг иншоотлари ва ускуналарини эксплуатация қилиш бошқармаси ***(Р.Гулямов)***<br>Ичимлик ва оқова сувлар сифатини назорат қилиш бўлими ***(Т.Мирсаидов)***<br>Ишлаб чиқариш-техник бошқармаси ***(М.Розиев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 2. | Бюджет ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ишлар. | Жадвал, маълумотнома | ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” УК ***(Х. Якубов)***<br>Инвестиция ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси ***(Ю.Ёқубхонов)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 3. | Ҳалқаро инвестицион фаолиятни такомиллаштириш ва давлат-хусусий шерикчиликни кенгайтириш | Жадвал, маълумотнома | ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Ҳалқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш бошқармаси **(Ж.Жалилов)**<br>Давлат хусусий шериклик бўлими ***(Б. Абдуллаев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |

| Т/р | Ахборот тури | Ҳисоботнинг кўриниши | Тақдим этилиши муддатлари | Масъул ижрочилар | Ҳисоботни қабул қилувчи масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 5. | Технологик транспорт ва махсус техникаларни эксплуатацияси бўйича маълумотлар | Жадвал, маълумотнома, шакл бўйича | хар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Технологик транспорт ва махсус техникаларни эксплуатация бюроси ***(О.Цой)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 8. | Жамият ва унинг тузилмаларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар, ҳамда асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ва натижалар | Жадвал, Маълумотнома, шакл бўйича | хар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Молия иқтисод департаменти ***(З.Зайниддинов)***<br>Прогнозлаштириш ва иқтисодий таҳлил бошқармаси ***(Б. Шойимов)***<br>Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш бошқармаси ***(Р. Кенженов)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 10. | Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари(давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) | Жадвал, Маълумотнома, шаклбўйича | хар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш бошқармаси ***(Р.Кенженов)*** | Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 11. | Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) | Жадвал, Маълумотнома, шакл бўйича | хар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Маъмурий-хўжалик бошқармаси ***(Д.Нуралиев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |

| Т/р | Ахборот тури | Ҳисоботнинг кўриниши | Тақдим этилиши муддатлари | Масъул ижрочилар | Ҳисоботни қабул қилувчи масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 12. | Давлат харидлари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:<br>харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;<br>харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) | Жадвал, маълумотнома | ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Маъмурий-хўжалик бошқармаси ***(Д.Нуралиев)*** | Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 13. | Ўтказилиши режалаштирилган, ўтказилган тендерлар тўғрисидаги маълумотлар | Жадвал, маълумотнома | шартнома тузилган кундан бошлаб уч иш куни ичида | Барча департамент, бошқармалар, бўлимлар ва бюролар | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 14. | Сув таъминоти ва оқова сув хизматларини ҳисобга олиш, сотиш, истеъмолчилар, шунингдек дебитор ва кредитор карздорликлар бўйича кўрсаткичлар | Жадвал, маълумотнома | ҳисобот ойининг кейинги ойи бешинчи санасига қадар | Сув таъминоти ва оқова сув хизматларини ҳисобга олиш ва сотиш бошқармаси ***(С.Дадабаев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 15. | Аҳоли ва сув иншоотларига сув ҳисоблагичлар ўрнатиш, метролог ходимлари иш самарадорлигини ошириш | Жадвал, маълумотнома | ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Метрология ва стандартлаштириш бўлими ***(Ф. Васиев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |

| Т/р | Ахборот тури | Ҳисоботнинг кўриниши | Тақдим этилиши муддатлари | Масъул ижрочилар | Ҳисоботни қабул қилувчи масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 17. | Соҳада компьютерлаштириш, рақамлаштириш ва аҳборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш | Жадвал, маълумотнома, шакл бўйича | ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар | Ахборот технологиялари бошқармаси ***(Ж. Ибрагимов)***<br>Кадастр ва геоахборот тизимлари бўлими ***(Ж.Хасанбоев.)***<br>Сув босимини бошқариш(гидравлика) бўлими ***(И. Абдуллаев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 18. | Жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатлари билан ишлаш, ичимлик ва оқова сув тизимларидаги муаммоларнинг ечими бўйича чора тадбирларини амалга ошириш | Жадвал, маълумотнома | ҳисобот ойининг кейинги ойи бешинчи санасига қадар | Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими ***(Ў.Эргашева)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими **Б.Алджанов)**<br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 20. | Кадр сиёсати ва масъул ходимларнинг профессионал билимларини ошириш бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга кўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот | Жадвал, маълумотнома, шакл бўйича | ҳисобот ойининг кейинги ойи бешинчи санасига қадар | Ходимларни бошқариш бўлими ***(К.Джураев)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 21. | Соҳага оид амалдаги, қабул қилинган ва ўз кучини йўқотган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар | Жадвал, маълумотнома | қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунида | Юридик бюро ***(А.Исмаилов)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 22. | Буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа хужжатлар, низолар юзасидан даъво ишлари маълумотлари шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички идоравий ҳужжатлар | Жадвал маълумотнома | қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунида | Юридик бюро ***(А.Исмаилов)*** | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |

| Т/р | Ахборот тури | Ҳисоботнинг кўриниши | Тақдим этилиши муддатлари | Масъул ижрочилар | Ҳисоботни қабул қилувчи масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 23. | Жамиятнинг ҳар бир департаменти, бошқарма, бўлим ва бюролари томонидан ишлаб чиқилган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалар. | Жадвал | ҳар олти ой якунидан кейинги ойнинг ўнинчи санаси | Барча департамент, бошқармалар, бўлимлар ва бюролар раҳбарлари | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 24. | Жамият фаолиятга оид ойлик, чораклик, ярим йиллик ҳисоботлар ҳамда маълумотлар. | Жадвал Маълумотнома | Ҳар ҳисобот даврининг кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар | Барча департамент, бошқармалар, бўлимлар ва бюролар раҳбарлари | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |
| 25. | Жамият фаолиятга оид йиллик умумий ҳисоботлар ҳамда маълумотлар. | Жадвал Маълумотнома | Ҳар йили 1 мартга қадар | Барча департамент, бошқармалар, бўлимлар ва бюролар раҳбарлари | Йиғма ахборот-таҳлил бўлими ***(Б.Алджанов)***<br><br>Ахборот хизмати ***(А. Муродов)*** |